



## FROM THE HISTORY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE FERGANA VALLEY (1921–1924)

**Isomiddinov Erali Darvishaliyevich**

Researcher at Andijan State University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20062762>

### ARTICLE INFO

Received: 30<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 06<sup>th</sup> May 2026

Online: 07<sup>th</sup> May 2026

### KEYWORDS

*New economic policy, Turkestan ASSR, industrial enterprises, cotton ginning plants, economic accounting, lease relations, private entrepreneurship, market relations.*

### ABSTRACT

*This article analyzes the economic changes that occurred in the Turkestan ASSR during the period of the New Economic Policy (NEP) introduced in 1921 and its impact on industrial enterprises in the Fergana Valley. Information is provided regarding the types of industrial enterprises operating in the valley's cities in 1921–1924 and their production indicators.*

## ИЗ ИСТОРИИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ (1921 – 1924 гг.)

**Исомиддинов Эрали Дарвишалиевич**

Исследователь Андижанского государственного университета

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20062762>

### ARTICLE INFO

Received: 30<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 06<sup>th</sup> May 2026

Online: 07<sup>th</sup> May 2026

### KEYWORDS

*Новая экономическая политика, Туркестанская АССР, промышленные предприятия, хлопкоочистительные заводы, хозяйственный учет, арендные отношения, частное предпринимательство, рыночные отношения.*

### ABSTRACT

*В данной статье анализируются экономические изменения, произошедшие в Туркестанской АССР в период Новой экономической политики (НЭП), введенной в 1921 году, а также её влияние на промышленные предприятия Ферганской долины. Приводятся сведения о видах промышленных предприятий, действовавших в городах долины в 1921–1924 годах, и их производственных показателях.*



## ФАРҶОНА ВОДИЙСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ТАРИХИДАН (1921-1924 йиллар)

Исомиддинов Эрали Дарвишалиевич

Андижон давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20062762>

### ARTICLE INFO

Received: 30<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 06<sup>th</sup> May 2026

Online: 07<sup>th</sup> May 2026

### KEYWORDS

Янги иқтисодий сиёсат, Туркистон АССР, саноат корхоналари, пахта заводлари, хўжалик ҳисоби, ижара муносабатлари, хусусий тадбиркорлик, бозор муносабатлари.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада 1921 йилда жорий этилган Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) даврида Туркистон АССРда юзага келган иқтисодий ўзгаришлар ва унинг Фарғона водийси саноат корхоналаридаги жараёнлари таҳлил этилган. Водий шаҳарларида 1921-1924 йилларда фаолият олиб борган саноат корхоналари турлари, уларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳақида маълумотлар келтирилган.*

Туркистон Автоном Республикасида 1918-1920 йилларда содир бўлган воқеалар халқ хўжалигининг барча тармоқларини издан чиқишига, айниқса қишлоқ хўжалигини ҳалокат ёқасига келтирган эди. 1920 йилда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти 1915 йилдагига нисбатан 2 баробарга қисқариб кетганди. Ўз навбатида саноат корхоналари ҳам чуқур таназзул ичида бўлиб, Ўзбекистон ҳудудларидаги 1917 йилгача мавжуд корхоналарнинг деярли ярми ишдан чиққан эди. Айниқса, большевиклар жорий этган “ҳарбий коммунизм” сиёсати халқнинг моддий аҳволини янада оғир аҳволга солиб қўйганди.

Ана шундай танг бир вазиятда совет ҳукумати 1921 йилнинг март ойида РКП(б)нинг X съездида бутун мамлакатда янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтиш ҳақида қарор қилди. Янги иқтисодий сиёсат моҳиятан

товар-бозор муносабатларининг айрим белгиларини тиклашни, хўжалик юритишда ташаббускорликка йўл беришни, етарли воситаларга эга бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашни назарда тутар эди.

Озиқ-овқат развёрсткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши деҳқонларга солиқдан ортган маҳсулотларини бозорда сотиш имконини бердики, бу эса уларнинг ўз эҳтиёжлари учун ҳунармандчилик-саноат маҳсулотларига бўлган талабини юзага келтирди. Бошқача айтганда, озиқ-овқат солиғининг жорий этилиши қишлоқ хўжалигининг кескин ривожланишига таъсир кўрсатди. Янги иқтисодий сиёсат тамойилларига кўра, хўжалик юритишда кўп укладликка йўл берилган бўлиб, бунда ўз хўжалигининг ривожланишидан



манфаатдор бўлган товар ишлаб чиқарувчи майда тадбиркорларга маълум имтиёзлар бериш, шарт-шароитлар яратиш назарда тутилди.

ТАССРда янги иқтисодий сиёсатга ўтишда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг “Янги иқтисодий сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида”ги кўрсатмаси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу кўрсатма Туркистонда янги сиёсатни амалга оширишда дастур вазифасини бажарди. 1921 йил 27 октябрда ТАССР Халқ Комиссарлари Совети “РСФСР ХКСнинг янги иқтисодий сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш тўғрисидаги кўрсатмасини қабул қилиш тўғрисида” қарор қабул қилиб, Туркистондаги барча комиссарликларга ва алоҳида бошқармаларга уни амалиётга жорий этишни тавсия қилди [1.73].

Янги иқтисодий сиёсат шартларига кўра, Туркистон АССРдаги саноат корхоналарининг бир қанчаси ижарага берилди. Бу эса саноатни ривожлантиришда давлат маблағлари етишмаган вазиятда бу мақсадга хусусий капиталларни жалб этиш имконини берди. Саноат корхоналари асосан йирик кооператив ташкилотларга ва уларнинг саноат, матлубот ва қишлоқ хўжалик бирлашмаларига 3 йилдан 6 йилгача муддатга ижарага берилди [2.4].

1921 йил охири – 1922 йил бошларидан Туркистонда саноат ишлаб чиқариши жонлана бошлади. 1917 йилга қадар Ўзбекистон ҳудудларида 210 та пахта тозалаш заводлари бўлиб, 1921-1922

йиллардаги уруш ва вайронгарчиликлар сабабли улардан фақат 19 таси ишлар эди, холос. Саноатни тиклаш борасида кўрилган тадбирлар натижасида 1923 йилда 23 та, 1924 йилга келиб эса 35 та пахта тозалаш заводи фаолият кўрсата бошлади. Айти пайтда бу заводларнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам оширилди. Агар урушдан аввал битта завод йилига ўртача 186 минг пуд пахтани қайта ишлаган бўлса, 1923 йилда бу миқдор 268 минг пудга, 1924 йилда эса 374 минг пудга етди [3.8]. Халқ хўжалигини тиклаш йилларида, яъни, 1926 йилда Андижондаги №4, Қўқонқишлоқдаги №6, Ҳаққулбоддаги №7, Учқўрғондаги №9 пахта тозалаш заводлари ҳам тўла ишга туширилди.

ТАССРда саноатнинг бошқа тармоқлари ҳам аста-секин тиклана бошлади. 1924 йилда Ўзбекистонда 5,6 минг пуд нефть қазиб олинди. Бу кўрсаткич 1913 йилдагидан икки баробар кам бўлишига қарамай, бу тармоқ кейинги йилларда жадал ривожланди.

Республикада тўхтаб қолган саноат корхоналарини қайта тиклаш билан бир қаторда янги саноат корхоналарини қуришга ҳам эътибор қаратилди. 1921 йилда Хилково цемент заводини тўла ишга тушириш, Фарғона пиллакашлик фабрикасини қуриб битказиш ишлари якунланди. Умуман, 1924 йилда Ўзбекистон ҳудудларида 9 та электр станцияси, 2 та металлни қайта ишлаш заводи, 2 та тикув ва 1 та пиллакашлик фабрикаси қурилди [4.107]. Саноат корхоналарининг қайта ишга туширилиши ва янгиларининг барпо



этилиши Ўзбекистонда ишчилар сонининг кескин кўпайишига олиб келди. 1927 йилда Ўзбекистонда ишчилар сони 1925 йилдагига таққослаганда 17%га, пахта тозалаш саноатида эса 27%га кўпайди [5.165]. Шуниси муҳимки, ишчилар сони асосан маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига кўпайди.

Халқ хўжалигини тиклаш йилларида Ўзбекистонда илгари фаолият кўрсатган саноат тармоқларини қайта тиклаш билан бир пайтда янги саноат тармоқларини барпо этиш бўйича ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. 1924 йилда Андижон шаҳрида, 1925 йилда Қўқонқишлоқда янги пахта тозалаш заводлари қуриб, ишга туширилди. 1927 йилда эса Фарғона водийсида умумий қуввати 75 минг тонна бўлган 3 та пахта тозалаш заводлари (Учқўрғон, Шаҳрихон ва Ҳаққулободда) янгидан қурилди. Мазкур заводлар анча самарали ҳисобланган икки камерали ва 80 аррали “Претта” жинлари билан жиҳозланди [1.91].

Илгари мавжуд саноат корхоналарининг қайта тикланиши ва янгиларининг қуриб ишга туширилиши республика ялпи саноат маҳсулотлари ҳажмининг кескин ортишига олиб келди. Чунончи, 1924-25 хўжалик йилида Ўзбекистонда 110,3 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 1927-28 хўжалик йилида бу кўрсаткич 270,9 миллион сўмга етди [4.118]. Бу кўрсаткич билан республика биринчи жаҳон урушигача бўлган (1913 йил) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

ҳажмидан ўзиб кетди. Шу тариқа, 1928 йилда Ўзбекистонда халқ хўжалигини қайта тиклаш асосан, яқунланди.

Халқ хўжалигини тиклаш йилларида республика халқ хўжалигида саноат маҳсулотларининг салмоғи ҳам ошди. Агар 1927-28 хўжалик йилида ялпи ички маҳсулотда саноатнинг салмоғи 23% ни ташкил қилган бўлса, 1927-28 хўжалик йилида бу миқдор 27% га кўтарилди.

1922-1923 йиллардан эътиборан республикада ёғ ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам қайта тиклаш, жиҳозларини реконструкция қилиш борасида муҳим ишлар йўлга қўйилди. Бу эса мавжуд корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди. Агар 1913 йилда Туркистондаги 22 та ёғ заводида 28,5 минг тонна пахта ёғи ишлаб чиқарилган бўлса, 1927-28 йилларда Ўзбекистондаги 7 та заводда шунча миқдордаги тозаланган пахта ёғи ишлаб чиқарилди. 1928 йилда ёғ ишлаб чиқариш корхоналари пахта тозалаш корхоналаридан мустақил бўлган алоҳида озиқ-овқат саноати тармоғига айланди.

Янги иқтисодий сиёсат йилларида Фарғона водийсида айниқса ипакчилик саноати шиддат билан ривожланди. Фарғона шаҳрида ва Марғилонда қурилган пиллакашлик фабрикаларида пилладан ипак тола йигириш ҳажми йил сайин ошиб борди. Масалан, 1923 йилда республика ҳудудларидаги корхоналарда 6,4 минг тонна ипак толаси ишлаб чиқарилган бўлса, 1927



йилда бу кўрсаткич 52,6 минг тоннани ташкил қилди, яъни 4 йил ичида ипак тола ишлаб чиқариш 8 баробарга кўпайди.

Халқ хўжалигини тиклаш даврида йирик саноат корхоналари у қадар ривожланмаган Ўзбекистон шароитида майда хунармандчилик ишлаб чиқариши халқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллар эди. Хунармандчилик ишлаб чиқариши саноат корхоналарини ярим тайёр хомашё билан, ички бозорни эса маълум даражада тайёр саноат маҳсулотлари билан таъминларди. Хом ашё тайёрлаш ва маҳсулот сотишни биргаликда олиб боришнинг фойдали эканлигини тушунган хунармандлар артелларга бирлашдилар, хунармандчилик

кооперацияларини ташкил этдилар. 1921 йилда ТАССРда ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига оид 1270 та кооператив-хунармандчилик артеллари мавжуд бўлиб, уларга 30 мингга яқин хунарманд бирлашган эди [6.190]. Янги иқтисодий сиёсат даврида майда хунармандчилик ишлаб чиқариш соҳасига ҳам эътибор берилдики, 1927 йилда хунармандчилик кооперациясининг халқ хўжалигидаги салмоғи 17,5% ни ташкил этди. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон ССРда 1925/26 – 1927/28 йилларда хунармандчилик кооператив саноатининг ривожланиш динамикаси келтирилган:

Хунармандчилик корхоналари	1925/26	1926/27	1927/28	1925/26 йилга нисбатан 1927/28 йилда %
Артеллар сони	341	386	415	125
Хунармандлар сони	12852	16384	22000	170
Ялпи маҳсулот (минг сўм)	11414	17415	30629	270
1 хунармандга тўғри келган ялпи маҳсулот (сўм)	888,1	1062,9	1392,2	150 [7.103]

Бу даврда кооператив-артеллар фаолиятида хунармандларга бирмунча эркинлик ва мустақиллик берилди. Бундай вазиятда ишлаб чиқариш натижалари ва самарадорлиги ҳам юқорироқ бўлди. Бу эса товар-пул муносабатлари доирасида ривожланувчи кооператив

ҳаракатнинг кенг имкониятларга эга эканлигидан далолат берарди. Афсуски, бу имкониятлардан тўла фойдаланиш имкони бўлмади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришида кооперациядан нисбатан кам фойдаланилди..

### References:

1. Ульмасбаев Ш.Н. Промышленное развитие советского Узбекистана. Историко-экономический очерк. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1958.



2. Ўз МА, Р-10-фонд, 1-рўйхат, 14-иш.
3. Ўз МА, Р-27-фонд, 1-рўйхат, 386-иш.
4. История народного хозяйства Узбекистана. Том I. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1962.
5. Ўз МА, Р-837-фонд, 5-рўйхат, 154-иш.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000.
7. Ўз МА, Р-837-фонд, 5-рўйхат, 424-иш.